

# Мусулмон биродарим

أخي المسلم

[Ўзбекча -Uzbek -الأوزبكي]

Абу Жаъфар Ал-Бухорий

2009 - 1430

Islamhouse<sub>.com</sub>

# ﴿أخي المسلم﴾

«باللغة الأوزبكية»

أبو جعفر البخاري

2009 - 1430

islamhouse<sup>.com</sup>

# Ислом Нури

## Маколалар

### Мусулмон биродаримга

тўпловчи: Абу Жафар ал-Бухорий

---

Мусулмон дўстим, дин асослари, исломнинг шартлари ва исломни бузувчи нарсаларини биласизми?

#### Исломнинг шартлари:

Барча оламлар роббиси бўлган Аллохга хамдлар ва пайгамбарларнинг сўнгиси бўлмиш пайгамбаримизга, унинг оиласи, асхоблари ва унга киёмат кунига кадар сўйиб эргашганларга Аллохнинг салавот ва саломлари бўлсин.

Сўнг... Мусулмон дўстим, Аллох сизга ва бизга раҳм килсин. Билинг-ки, хар бир мусулмон эркак ва аёл билиши фарз бўлган уч нарса бўлиб, улар банданинг ўз роббиси, дини ва пайгамбари Мухаммад саллоллоҳу алайхи ва салламни танишdir.

Роббимиз: Биз ва барча оламларни ўз неъмати билан тарбия килган Аллоҳ жалла жалолухудир. У бизнинг маъбудимиз, ундан ўзга (хак) маъбуд йўқdir.

Динимиз: Ислом. Яъни Аллоҳ таъолога тавхид ва итоат билан хамда ширк ва мушриклардан безор бўлиб тоат этишdir.

Пайгамбаримиз: Мухаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуттобиб ибн Хошим. Хошим Курайш кабиласидан, Курайш эса араблардан, араблар эса Исмоил ибн Иброҳим саллоллоҳу алайхима ва ала набиийина ва саллам зурриётидандир.

#### Мухтарам дўстим, диннинг асоси ва пойдевори иккитадир:

Биринчи: Аллоҳ таълонинг ўзига шериксиз ибодат килишга буюриш, ибодатга харис бўлиш, Аллоҳ йўлида севиш ва Аллохга ибодат килишни бутунлай тарк килган кишиларни коғир хисоблаш.

Иккинчи: Аллоҳ таъолога ибодат пайтида шерик килишдан огохлантириш, ширкка каттик кўл бўлиш, ширкни душман ва ширк амалини килган кимса (мушрик)ни коғир хисоблаш.

---

## **Сиз «ла илаха иллаллох»нинг шартларини биласизми?**

1- Илм (Билим). Яъни шу калиманинг инкор ва исбот этган нарсаларини билиш маъносида. Яъни калб, тил талаффуз килган нарсаларни билсин. Зеро, бу жумла маъно ва талабларини билмай талаффуз килинса, фойда бермайди. Чунки, калб талаффуз этилган сўзлар далолат килган маъноларни тушунмайди. Бу ўзи билмаган тилда сўзлашган одамнинг мисолига ўхшайди.

Аллоҳ таъоло деди: «Аллоҳдан ўзга (ҳак) илоҳ йўқ эканини билинг!», (Мухаммад:19) «Факатгина била туриб ҳакикатга гувоҳ бўлган кишилар...». (Зухруф:86) Яъни улар тиллари билан талаффуз килишган «ла илаха иллаллох» калимасининг маъноларини калблари билан тушунишган. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам: «Аллоҳдан ўзга (ҳак) илоҳ йўқ эканини аник била туриб вафот этган киши жаннатга киради» дедилар. (имом Муслим ривояти). «Ла илаха иллаллох»нинг маъноси Аллоҳдан ўзга (ҳак) маъбуд йўқ, демакдир. Ибодат эса Аллоҳ таъоло суйган ва рози бўлган зохирӣ ва ботиний барча сўз ва амаллардир.

2- Якин. Яъни «ла илаха иллаллох» калимасининг маъноларини шак ва шубҳага ўрин қўймайдиган даражада тўла ва катъий тушуниш. Иймонга якингина ёрдам бериши мумкин. Аллоҳ таъоло деди: «Мўминларга ва Аллоҳнинг элчисига иймон келтирган, (иймонларида) хеч шубҳа килмаган, моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида жиход килган кишилардир. Ўшаларгина садокатли кимсалардир». (Хужурот:15).

Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Мен Аллоҳдан ўзга (ҳак) илоҳ йўқ ва ўзим Аллоҳнинг элчиси эканимга гувоҳлик бераман. Банда бу икки калима билан уларда хеч шубҳа килмай, Аллоҳга дуч келса, жаннатга киради». (имом Муслим ривояти).

3- Ихлос. Яъни ширкни бутунлай бекор киладиган (холислик) самимийлик, амални ширк белгиларининг барчасидан солих нийят билан тозалаш. Бу эса «ла илаха иллаллох» калимасининг маъноларидан биридир. Аллоҳ таъоло деди: «билинг-ки, холис дин Аллоҳ учунгиналадир. (Зумар:3). Улар Аллоҳга динни холис килиб, ботил йўлдан ҳак йўлга ўтиб, ибодат килишга буюрилдилар». (Байина:5). Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «киёмат куни менинг шафоатим билан энг баҳтиёр бўлган одам, чин калбдан «ла илаха иллаллох»ни айтган кишидир». (имом Бухорий ривояти).

4- Мухаббат. «Калимай тойиба» ва унинг маъноларига мухаббат хамда у билан кувониш. Аллоҳ таъоло деди: «одамларнинг баъзилари Аллоҳдан ўзга (илоҳ) тенгдошларни килиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Мўминларнинг Аллоҳга бўлган мухаббатлари каттикроқдир». (Бакара:165). Яъни Аллоҳ таъоло ушбу оятда ўзининг мўмин бандалари Аллоҳни каттик севишлиридан хабар берди. Чунки, улар Аллоҳ учун бошка маҳлукларни тенгдош килмайдилар. Банданинг Аллоҳга бўлган мухаббатининг белгиси Аллоҳнинг амрларини, ўз хошишларига зид бўлсада, барча амрлар устидан муқаддам кўчиши, Аллоҳ ёмон кўрган нарсаларни ёмон кўриши, Аллоҳ учун дўст ва душман тутиши, Аллоҳнинг пайгамбари Мухаммад саллоллоҳу алайхи ва саллам суннатларига эргашишидир. Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам

дедилар: «Уч нарса борки, ким уни топса иймон халоватини тотади: Аллох ва росули бошқалардан кўра севимлирок бўлиши, бировни Аллох учун севиши, Аллох саклаганидан сўнг, куфрга кайтишни жаханнамга ташланишини ёктиргандек, ёктирмаслиги». (Бухорий ва Муслим ривояти).

5- Садокат. Яъни ёлгонни рад этган, мунофиликдан ман килган садокат. Киши бу калималарни тили калбини алдамай, сидқидиллик билан айтиши. Аллох таъоло деди: «Аллох садокатлиларни хам, ёлгончиларни хам билади». (Анкабут:3). «сидкни олиб келган, ва уни тасдиклаганлар, ана ўшалар такводорлардир». (Зумар:33).

Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «хар кимса «Аллохдан ўзга (хак) илох йўқ ва Мухаммад унинг бандаси ва элчиси» деб калбидан садокат билан гувохлик берса, Аллох таъоло унга жаханнамни харом килди. (Бухорий ва Муслим ривояти).

6- «Ла илаха иллаллох» нинг талаблари бўйинсуниш. Унинг талаблари фарз бўлган амалларни Аллох учун самимий ва Аллох ризоси учун килиш ва унинг зиддини килмаслик. Аллох таъоло деди: «Роббингизга кайтинг ва унга бўйинсунинг». (Зумар:54). «юзини, яхшилик килар экан, Аллох учун бўйинсундирган киши, мустахкам арконни маҳкам ушлабди». (Лукмон:22). Яъни «ла илаха иллаллох»ни маҳкам ушлабди. Холбуки, у ибодатни ёлгиз ўзигагина килиб, Аллохга бўйинсуниш демакдир.

Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам: «Сизларнинг бирингиз мен унга фарзанди, ота-онаси ва барча одамлардан кўра севимлирок бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди» - дедилар. (имом Муслим ривояти). Бу Росулуллох саллоллоху алайхи ва салламга бўйинсуниш ва хакикий муҳаббатдир.

7- Кабул килиш. Яъни рад этишга зид бўлган кабул. Зоро, бу «калимайи тойиба»нинг маъноларини била туриб талаффуз киладиган кишилар хам бор. Бирок, даъват этилса кибр ва таассуб килиб, уни кабул килмайдилар. Аллох таъоло деди: «Уларга «ла илаха иллаллох» деб айтилса, мутакаббирлик килар эдилар». (Софрат:35). Аллох таъоло жаханнамдаги кишиларнинг азобланиш сабабларидан бири «Ла илаха иллаллох» деб айтишдан кибр килишлари ва унга даъват этган пайгамбарни ёлгончи килишлари эканидан хабар бермокда. Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аллох таъолонинг мен билан бирга юборган илм ва хидоятининг мисоли бир ерга ёғтан ёмгирнинг мисолига ўхшайди. У ернинг баъзи кисмлари унумдор бўлиб, сувни кабул килади ва ўсимлик ва кўп майсаларни ўстиради. Баъзи ерлари каттик бўлиб, сувларни тўплаб олади. Аллох таъоло у сувлар билан одамларга фойда беради: улар ундан ичадилар, (хайвонлари ва экинларини) сугорадилар. Баъзи ерлар эса коя каби текис бўлиб, на сувни ушлаб колади ва на ўсимликларни ўстиради». (имом Бухорий ривояти).

---

## Исломни бузувчи нарсалар

Мусулмон дўстим, Аллох бизга ва сизга билдирисин, билингки, исломни бузувчи нарсалар ўнтадир:

\* Биринчи: Аллох таъолога ибодат килишда шерик килиш. Аллох таъоло деди: «Аллох ўзига шерик килинишини кечирмайди. Ундан бошка барча гунохларни, хохлаган бандаси учун кечиради». (Нисо:48). «Албатта Аллохга шерик килган кишига, Аллох, жаннатни харом килди ва унинг жойи жаханнамдир. Золимларнинг ёрдамчиси йўқдир». (Моида:72). Ширк икки кисмдир:

1- Катта ширк: Ислом миллатидан чикаради. Бу ширкни килган киши тавба килмасдан Аллохга дуч келса, жахннамда мангуда колади.

2- Кичик ширк: Ислом миллатидан чикармайди. Бу амални килиб Аллохга дуч келган киши Аллохнинг хохишига хаволадир: хохласа афв этади, хохласа азоблайди.

\* Иккинчи: Ўзи билан Аллох ўртасида воситачилар килиб, уларга дуо, таваккул килган ва улардан шафоат сўраган кимса, кофир бўлади. Чунки, Аллох билан маҳлук ўртасидаги восита факатгина шариатни етказишда бўлади.

\* Учинчи: Мушрикларни кофир хисобламаган ёки уларнинг кофир эканликларида шубха килган ёки уларнинг йўллари ва окимларини тўғри деб хисоблаган киши, исломни билмагани учун кофир бўлади.

\* Тўртинчи: «Росулуллох саллоллоху алайхи ва салламдан бошка кимсанинг йўли, Росулуллох саллоллоху алайхи ва салламнинг йўлидан кўра мукаммалрок, хукми эса Росулуллох саллоллоху алайхи ва салламнинг хукмидан кўра гўзалрок» деб эътиқод килган киши, кофирдир. Тогутларнинг хамда куръон ва суннат хукмларига зид бўлган хукмларни, Росулуллох саллоллоху алайхи ва салламнинг хукмларидан афзал кўрган кишилар бунинг мисолидир. Аллох таъоло деди: «Аллох нозил килган нарсалар билан хукм килмаган кишилар, ўшалар кофирлардир». (Моида:44). «Йўк, роббингизга касамки улар ўрталарида содир бўлган келишмовчиликлар учун сизни хакам килиб, сиз килган хукмдан калбларида норозилик топмай, бутунлай бўйинсунмагунларича, мўмин бўла олмайдилар». (Нисо:65).

Одам «Аллохнинг хукмлари афзал» деб даъво килсада, лекин, Аллохнинг хукмлари билан хукм килмаса, кофир бўлади.

\* Бешинчи: Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам олиб келган таълимотларнинг баъзисини, гарчи ўзи амал килсада, ёмон кўрган киши, кофир бўлади. Чунки, бундай амални килган киши эътиқодан мунофик бўлиб, жахннамнинг тубида колади.

\* Олтинчи: Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам олиб келган дин ва шу диндаги савоб ва жазолар устидан масхара килган киши, кофир бўлади. Аллох таъоло деди: «Айтинг: «сизлар Аллох, Аллохнинг оятлари ва пайгамбари устидан масхара киляпсизларми? (энди) узр айтманглар, иймон келтиргандан сўнг, кофир бўлдинглар!». (Тавба:65-66).

\* Еттинчи: Сехр. Сехр килган ёки сехр килишга рози бўлган киши кофир бўлади. Аллох таъоло деди: «у (икки фаришта) кимга таълим берсалар: «биз бир имтихонмиз, сен кофир бўлма» дер эдилар». (Бакара:102).

\* Саккизинчи: Мусулмонларга карши душманларига ёрдам бериш куфрdir. Аллох таъоло деди: «кайси бирингиз мушрикларни дўст тутса, бас, у улардан биридир. Шубҳасиз, Аллох золим-кофир халкларни хидоят килмайди». (Моида:51).

\* Тўккизинчи: Баъзи одамларнинг Росулуллох саллоллоху алайхи ва саллам олиб келган шариатдан, Хизр алайхиссаломнинг Мусо саллоллоху алайхи ва салламнинг шариатидан чикканидек, чикиш хаклари бор, деб эътиқод килган киши, кофир бўлади. Чунки, Аллох таъоло деди: «исломдан бошка динни талаб килган одамдан, килган амаллари кабул килинmas ва у охиратда зиёнкорлардандир» (Ол Имрон:85).

\* Ўнинчи : Аллохнинг динидан юз ўгириш: уни ўрганмаслик ва унга амал килмаслик. Аллох таъоло деди: «Роббисининг оятлари эслатилган пайтда ундан воз кечган кишидан кўра золимрок одам борми? Биз гунохкорлардан интиком оламиз». (Сажда:22). Юз ўгириш – кишини мусулмон киладиган даражада дин асосларин ўрганишдан воз кечишидир.

Мусулмон биродарим, сўзимизнинг сўнггида шуни айтмокчиманки, бу бузувчи нарсаларни жиддий, хазиллашиб ёки қўркиб айтган кишилар ўртасида фарқ йўқдир. Факатгина, бундан, мажбурланган кишиларгина мустаснодир. (юкорида эслатиб ўтганимиздек) бу ўнта бузувчи нарса энг хатарли ва мусулмонлар хаётида кўп содир бўлади. Шунинг учун хам мусулмон, булардан эҳтиёт бўлиши ва қўркиши керак. Аллох таъоло дан газабининг сабаблари ва аламли азобларидан панох сўраймиз. Омин.

Аллох таъоло пайгамбаримиз, унинг оиласи ва асхобларига салавот ва саломлар йўлласин.